25 01 96

Илм ўзни билмакдир

# Ма'рифат

MA'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 1996 йил 24 январь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда. 6 (6703)

## МДҲ: ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ КЕНГАЙМОҚДА

Хабар қилинганидек, 19 январь куни Москвада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳам иштирок этди.

Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарларининг 19-учрашуви ҳақида сўзлашдан аввал МДҲ тарихига нигоҳ ташлаш фойдадан ҳоли бўлмайди. Бу тарих 1991 йилнинг 8 декабрида Беларус, Россия ва Украина давлатлари раҳбарларининг Беловежское Пушчеда тузган битимидан бошланади. Орадан кўп ўтмай, яъни ўша йилнинг 21 декабрида Арманистон, Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Озарбойжон, Россия, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва Украина Алмати шаҳрида ушбу битим юзасидан протоколни имзолаб, «Тенг ҳуқуқли ва аҳдлашаётган олий томонлар» мақомида МДҲ муассиси бўлдилар. Кейинроқ, 1993 йил 9 декабрда бу мамлакатлар сафига Грузия қўшилди.

Юқорида қайд этилган таъсис ҳужжатлари айни пайтда 12 мамлакат томонидан ратификация қилинган. Умуман олганда, МДҲнинг ҳуқуқий расмийлаштирилиши 1993 йил январида унинг низоми тузилиши билан якунланди. Бироқ бу низом ҳали Туркманистон ва Украина томонидан ратификация қилингани йўқ. Шундай қилиб, айни пайтда ўн давлат МДҲ аъзоси, Туркманистон ва Украина МДҲ иштирокчилари бўлиб ҳисобланади.

МДҲ доирасида шу даврга қадар 666 масалалар муҳокама этилди. Уларнинг қарийб ярми иқтисодий ва ижтимоий масалаларга бағишланган. Уларнинг учдан бир қисми эса ҳарбий-сиёсий, яна қарийб шунчаси ташкилий ва умумий масалалардир.

1993 йил 24 сентябрда иқтисодий иттифоқни тузиш ҳақидаги шартноманинг имзоланиши Ҳамдўстлик фаолиятининг муҳим натижаларидан бири бўлди. Айни пайтда ана шу шартноманинг амалга оширилиши кун тартибидаги муаммолардан бири бўлиб турибди. Божхона иттифоқи ва тўлов иттифоқини тузиш иқтисодий иттифоқни мустаҳкамлашдаги муҳим амалий қадамлар ҳисобланади. Шу боис МДҲ давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси кун тартибидаги асосий масалалардан бири божхона ва тўлов иттифоқини шакллантириш истиқболи билан боғлиқ бўлди.

Шуни қайд этиш лозимки, айни пайтда бу иттифоқни яратишнинг илк босқичи якунланди. Россия, Беларус ва Қозоғистон божхона иттифоқини тузиш юзасидан имзоланган битимга биноан ўз давлатлари божхона қонунчилигини мувофиқлаштирдилар. Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ҳам бу иттифоқни шакллантиришда иштирок этиш юзасидан қатъият билдирмоқда. Бироқ шу ўринда Ўзбекистон бу масалага ўзига хос ёндашаётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мамлакатимиз божхона иттифоқига аъзо бўлиш бу мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларига салбий таъсир этмаслиги, чегаралар ҳар бир мустақил давлатнинг ўз армияси томонидан қўриқланиши, бу давлатлар ташқи иқтисодий фаолиятни ўзи мустақил амалга ошириши шартлигини таъкидлади. «Ўшандагина мамлакат мустақиллиги дахлсизлиги тўла таъминланади. Божхона иттифоқи эса ҳаракатларни мувофиқлаштириш, сунъий тўсиқларни олиб ташлаш асосида ривожланиши керак», деди жумладан юртбошимиз.

Ҳамдўстликка аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши мажлисида бу гал ўндан зиёд масала муҳокама қилинганини таъкидлаш жоиз. Давлат раҳбарлари муҳокама қилган масалалар орасида ушбу кенгашнинг раисини сайлаш ҳам бор эди. Бу масала Ҳамдўстликнинг қанчалик самарали ишлаши билан боғлиқ бўлгани учун ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Давлат раҳбарлари бу масалада якдил фикр билдирдилар. Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин яна бир йил муддатга МДҲ давлат раҳбарлари кенгаши раиси этиб сайланди.

Кенгашда муҳокама этилган масалаларнинг бир қанчаси мустақил давлатлар ҳудудида ихтилофларнинг олдини олиш ва бартараф этиш билан боғлиқдир. Давлатлар раҳбарлари бу мавзудаги концепцияни қувватладилар. Бу соҳадаги масалалар орасида МДҲ коллектив тинчликни таъминлаш кучларининг Тожикистонда бўлиши ваколатларини узайтириш ҳам бор эди. Ўзбекистон раҳбари бу масалага ёндашувда Тожикистонда тезроқ тинчлик ва барқарорликка эришиш асос қилиб олиниши шартлигини таъкидлади. Хусусан, Ислом Каримов МДҲ давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидан бир кун аввал Кремлда Борис Ельцин билан учрашув чоғида ҳам Россия Президенти эътиборини шу масалага қаратди. Тожикистон ҳукумати мухолиф томон билан БМТ, ЕХҲТ каби халқаро ташкилотлар синчилари иштирокида Тожикистондаги аҳвол ва унинг истиқболи масаласини муҳокама қилиб, бир қарорга келиши, шунингдек, мамлакат барча вилоятлари, сиёсий кучлари вакиллари иштирок этадиган Тожикистон халқлари конгрессини чақириш мақсадга мувофиқ. Унда мамлакат келажаги муҳокама қилиниб, анжуман хулосалари тинчликни қарор топтириш йўлида татбиқ этилиши лозим. Ана шу тақдирдагина МДҲ тинчликни таъминлаш кучлари ваколатларини яна узайтириш тўғри бўлади. Бу — ягона миллат фарзанди бўлган икки мухолиф томон вакилларининг адоватларни унутиб, ўсиб келаётган, туғилажак авлод олдидаги бурчларини ҳис этган ҳолда бир-бирига ён бериши лозимлигини англатади. Ислом Каримов мансаб ва ҳукумат талашиш аслида бир гўдак кўз ёшига арзимаслигини, ҳеч қандай сабаб инсонни ҳаётдан жудо этишни оқламаслигини яна бир карра қайд этди. Кенгаш Ўзбекистон раҳбари фикрини қувватлади. Тожикистондаги МДҲ тинчликни таъминлаш кучлари ваколати олти ойга узайтирилди. Мажлисда генерал-лейтенант В. Заварзин Тожикистондаги МДҲ тинчликни таъминлаш коллектив кучларининг янги қўмондони этиб тайинланди.

Кенгашда Абхазиядаги ихтилофни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди. Бу масалани ҳал этишда ҳам юртбошимиз билдирган фикрлар асос бўлиб хизмат қилди. Ислом Каримовнинг масалага ёндашувда аввало Грузиянинг ҳудудий бутунлигини, Абхазиянинг бу мамлакат таркибига киришини эътироф этиш зарурлиги, барча кўмаклар Грузия ҳукумати орқали амалга оширилиши кераклиги борасидаги таклифлари шулар жумласидандир.

МДҲ давлат раҳбарларининг 19-учрашувида Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар маданият арбобларининг конгрессини ўтказиш масаласи ҳам муҳокама этилди. Шуниси қувончлики, бу масалада барча давлатлар раҳбарлари якдиллик билдирдилар. Бу янги мустақил давлатлар тарихан шаклланган маданий алоқаларимизни янада ривожлантириш тарафдори эканини кўрсатади.

МДҲ давлат раҳбарлари кенгашида, шунингдек, мустақил давлатларнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини кенгайтириш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли ҳужжатлар қабул қилинди.

— Биз муҳокама қилинган масалаларга мамлакатимиз манфаати нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ёндашдик, — деди Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов журналистлар билан суҳбатда. — Мен ушбу учрашув натижаларидан мамнунман. Чунки биз имзолаган ҳужжатлар тарихан шаклланган иқтисодий ва маданий алоқаларимизнинг мустаҳкамланишига, халқимиз учун муносиб турмуш шароитлари яратишга хизмат қилади.

**Амиркул КАРИМ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент — Москва — Тошкент.**



*Юнусобод туманидаги 83-ўрта мактабнинг рус синфларида ўзбек тили фани ўқитувчиси Мавжудахон Толипова дарсларида ва синфдан ташқари тадбирларда ноанъанавий услублардан унумли фойдаланяпти. Суҳбат, телекўприк, семинар, кўрик-танлов, ифодали ўқиш, шеърхонлик, ҳикоя, саҳна каби дарс шакллари муаллиманинг иш тажрибасида, айниқса, қўл келаяпти.*

*— Мавжуда Нуъмоновна «Йил ўқитувчиси — 95» Тошкент шаҳар ўқитувчилари кўрик-танловида ғолиб бўлди, — деди мактаб директори Лола Абдулазизова, — У бунга изланувчанлиги, ҳаракатчанлиги, ҳар бир дарсга янгилик киритиш иштиёқи баландлиги туфайли эришди. Зеро, муаллимдаги фидойилик, ўғил-қизларга меҳр-муҳаббат каби фазилатлар уни устоз даражасига етказадиган омиллардан биридир...*

*СУРАТДА: фидойи муаллима М. Толипова навбатдаги машғулотни шеърхонлик услуби билан олиб бораяпти.*

**А. МАМАДАМИНОВ олган сурат.**

*Туркистон — умумий уйимиз*

## ИНШОЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

***1995-96 ўқув йилининг биринчи ярим йиллигида Республика Халқ таълими вазирлигининг буйруғи асосида барча турдаги умумтаълим мактабларида 9—11-синф ўқувчилари орасида «Туркистон — умумий уйимиз» мавзуида иншолар кўрик-тонлови ўтказилди. Кўрик-танловни ўтказиш, уни якунлаш, ғолибларни тақдирлаш ҳақида батафсил тўхталишдан аввал айрим иншолардан парчаларни эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз:***

«Менимча, Ватан — кенг ва кўп миқёсли тушунча. Ватан остонадан бошланади, дейдилар. Ватан — сен яшаб келаётган, улғаяётган уй, ота-онанг, ака-ука, опа-сингилларинг, ҳовлидаги дарахтлар, ҳар куни нон ёпиладиган тандир. Ватан — катта-кичик тўйга келадиган, азада жамланадиган, мачитларда азон эшитиладиган қадрдон маҳалла... Ватан — тупроғидан олтин унувчи, тоғларининг боши кўкка етган, боғ-бўстонга тўла жаннатмакон Узбекистон».

**Бахтиёр КАМОЛОВ**
**иншосидан**
**(Андижон вилояти).**

«Ота-боболаримиз қадимдан Ватан тақдири, озодлиги, келажаги учун қайғурганлар ва курашиб келганлар...

...Биз эса маълум маънода бахтли авлодмиз. Олис аждодларимизнинг, шунингдек, ота-боболаримизнинг буюк орзу-армони ушалаётир. Яъни она юртимиз мустақил деб эълон қилинди. Озодлик сари, мустақиллик сари дадил қадамлар ташланди. Биз эришган озодлик ва мустақиллик учун туркий халқларнинг неча азиз авлодлари ўз ширин жонларини қурбон қилдилар. Озодлик биносининг пойдевори мард ва жасур боболаримизнинг пок хоки ҳамда пок қонидан қорилгандир!».

**Азиза РЕЙИМБОЕВАнинг**
**иншосидан.**
**(Қорақалпоғистон Республикаси).**

Бу парчаларни ўқиб, иншоларнинг ҳар бирида келтирилган ёрқин мисоллар, теран фикрлар билан танишар эканмиз, айрим кишиларнинг «ёшларнинг ўқишга қизиқиши сусайиб кетди, ўқувчиларнинг дарслардан кўнгли совиб бормоқда» деган «хулоса»лари бутунлай асоссиз эканлигига амин бўласан, киши. «Қизиқиши сусайган» ёки «кўнгли совиган» ёшлар бундай сатрларни бита олмайдилар. Бу иншоларни Ўзбекистон, қолаверса бутун Марказий Осиё давлатларининг ёрқин келажагига ишонувчи, келажак деганда 2—3 йилни эмас, XXI асрни тўлиқ кўз олдида намоён қила олувчи, ўша келажакда буюк, ривожланган ва бадавлат Ўзбекистонда яшашга ишончи комил бўлган ёшларгина ёза олади.

«Туркистон — умумий уйимиз» шиори ўқувчилар иншоларига мавзу қилиб танлангани ҳам бежиз эмас. Президентимиз ёзганларидек, «Она юртимиз Туркистон — катта бир уй, бир рўзғор, буюк бир оила. Бу оила фарзандлари қанчалик яқин ва аҳил бўлса, рўзғор ҳам шунчалик обод ва тўкин бўлади...»

Кўрик-танловнинг республика босқичига 44 та иншо тавсия этилди. Ҳакамлар ҳайъати бу иншоларни ўқиб, таҳлил қилиб, улар орасидан 11 та энг яхшисини танлаб олдилар. Биринчи ўрин кўпчилик овоз билан Андижон вилояти Андижон туманидаги ўзбек-турк ҳамкорлик лицейининг 9-синф ўқувчиси Бахтиёр Камоловга берилди (она тили ва адабиёт ўқитувчиси Насибахон Ҳасанова). Бахтиёрнинг иншоси мазмунан ранг-баранглиги, муаллифнинг Ватан ҳақида, Туркистон ҳақида ўз фикрини образли тарзда ифода этганлиги билан ажралиб туради.

Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги Огаҳий номли лицейнинг 10-синф ўқувчиси Пошшажон Бобожонов (ўқитувчиси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Аҳмаджон Қодиров) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Беруний шаҳ-

**(Давоми 2-бетда).**

## БОЛАЛАРГА ТУҲФА — ЯНГИ МАКТАБ БИНОСИ

*«Амир Темур йили» деб эълон қилинган 1996 йил Қорақалпоғистон Республикасининг Тахтакўпир тумани меҳнаткашлари, жумладан, зиёкорлари учун ҳам қувончли бошланди. Яқинда туман марказида 844 ўринлик янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди. Барча қулайликларга эга ушбу янги илм даргоҳини 2-қурилиш трестининг бинокорлари бунёд этишди.*

*Янги мактаб биносининг фойдаланишга топширилиши муносабати билан ўтказилган тантанали митингни туман ҳокими З. Ималатдинов қисқача кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси У. Аширбеков табрик нутқи сўзлаб, ёш авлодлар учун ғамхўрлик қилиш ҳамиша ҳукуматимиз диққат-эътиборида бўлишлигини алоҳида таъкидлади. Бу эса ҳозирги бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтилаётган мураккаб даврда муҳим аҳамиятга эгадир.*

*Тантанали маросимда Қорақалпоғистон Республикаси халқ маорифи вазири Т. Отамуротов, мазкур мактаб муаллимаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг депутати М. Абдирейимова ота-оналарни, ўқувчилар ва ўқитувчиларни, жамоатчилик вакилларини ажойиб совға — янги мактаб биносининг ишга туширилиши муносабати билан табриклашди. Қорақалпоғистон Республикаси «Агроқурилиш» бирлашмасининг бошлиғи Р. Турсунбоев мактаб директори Д. Ойимбетовга янги бинонинг рамзий калитини топширди.*

*Янги мактабга Тахтакўпир туманида узоқ йиллар турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган, халқ маорифига ҳам ғамхўрлик кўрсатган ажойиб инсон Исмамут Усоқов номи берилди.*

**Ғойиб ЁҚУБОВ,**
**ўз мухбиримиз.**

*Ҳомийлар ҳақида сўз*

## ЭЗГУЛИКНИНГ УМРИ БОҚИЙДИР

Утган ҳафтада Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 237-мактабда мактаб ва маҳалла фаоллари ҳамкорлигида тантанали йиғин ўтказилди. Унда ўқув йилининг иккинчи чорагини муваффақиятли тамомлаган 35 нафар ўқувчига шу тумандаги Усмон Юсупов номли маҳалла қўмитасининг махсус стипендиялари топширилди.

Тантанали маросимда иштирок этган ота-оналарнинг айтишича, бу эзгу иш 1991 йилдан буён давом этиб келаяпти... Унга маҳалла қўмитаси раиси Файзулла ота Абдурасулов бошчилик қилаётир. 1995-96 ўқув йилида бу борада амалга оширилган тадбирларга назар ташланса, хайрли ишнинг анъанага айланаётганининг шоҳиди бўласиз. Масалан, 1 сентябрь куни оталиқ ташкилотлари 315та ўқувчи қиз формасини мактабга туҳфа этишди. 48 нафар ўқитувчини «Маърифат», «Учитель Узбекистана» газеталарига бепул обуна қилишди. Албатта, бундай савобли ишлар бошида маҳалла қўмитаси фаоллари туришди.

Янги йил арафасида маҳалла жамғармасидан 1-4-синф ўқувчиларига 8100 сўмлик совға улашилди. Баҳорда «Илҳом чашмалари» кўрик-танловида ўз иқтидорларини намойиш этишга шайланаётган ўқувчиларга 1900 сўмлик 10 та атлас кўйлак харид қилинди. Кўйлакларни маҳалла чеварлари текинга тикиб бердилар.

Очиғи, бозор иқтисодиёти шароитида илм масканида амалга оширилаётган ибратли тадбирларни кўриб қувондик. Аълочиларни барчанинг кўз олдида рағбатлантириш — уларга ўзгача кайфият, завқ-шавқ, ғурур бағишлашини ҳис этдик.

Шу ўринда айрим мулоҳазалар хаёлимиздан кечди. Жойларда ўзини осмон ҳисоблаб, ўғил-қизларга фақат мактаб таълим-тарбия бериши керак, деб масъулиятни зиммасидан соқит қиладиган, фақат ўз манфаатини кўзлаб иш юритадиган айрим маҳалла «фаол»лари шу каби савобли ишларни ён дафтарларига қайд этсалар, фойдадан холи бўлмасди. Зотан, «Маориф иши эзгуликдир...», «Бирни берсанг, ўн қайтади» ҳикматлари бежиз айтилмаган.

**Қурбонбой**
**МАТҚУРБОНОВ.**

*«Маърифат»нинг Махсус Мухбирлари хабар қилади*

### КЎРИК-ТАНЛОВГА БАҒИШЛАНДИ

**Самарқанд вилоят ҳокимлигида «Ўзбекистон—Ватаним маним» кўрик-танловига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

**Вилоят ҳокимининг ўринбосари И. В. Рашидов мактаб, ўқув юртларида, мактабгача тарбия муассасаларида кўрик-танловга тайёргарликнинг бориши ҳақида маъруза қилди. Йиғилишда танловни ўтказувчи 11 кишидан иборат вилоят ташкилий қўмитаси тузилди. Бу қўмита дастлабки йиғинида ўз вазифаларини белгилаб олди.**

**Йиғилишда «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуидаги қўшиқлар кўрик-танловини ўтказиш республика қўмитаси аъзолари Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазири О. У.Салимов, шоир Ж. Жабборов, Республика президенти девонининг масъул ходими Ў. Раҳматовлар иштирок этишди.**

### ҲОМИЙЛИК ҚИЛИБ КЕЛМОҚДА

**Андижондаги электроаппарат заводи 13-махсус мактаб-интернатга ҳомийлик қилиб келмоқда. Завод бу муассасага ўз жамғармасидан 5 минг сўм ажратди. Бундан ташқари, 100 та турли совғалар болаларни шод этди.**

**Электроаппарат заводи 2-болалар уйини ҳам оталиққа олган.**

### БОҒОТДА СЕМИНАР-КЕНГАШ

**Боғот тумани халқ таълими бўлими соғлом авлод тарбиясига алоҳида эътибор билан қараётир. Ўқувчи-ёшларни маънавий ва жисмонан соғлом ўсиши буюк саодатдир. Яқинда бу туманда «Спорт мактаблари ва умумтаълим мактабларининг жисмоний тарбия машғулотларини ўтиш соҳасидаги ҳамкорлиги ҳамда болалар боғчаларида соғломлаштириш дарсларининг самарадорлигини ошириш» мавзусида бир кунлик семинар-кенгаш ўтказилди.**

**Семинар-кенгаш қатнашчилари 1-болалар спорт мактабида, тумандаги 1, 2-болалар боғчаларида, 3-лицей-интернатда ҳамда И. Дўсов номли мактабда бўлишиб, амалга оширилаётган ишлар билан қизиқдилар.**

### ГИМНАЗИЯ ОЧИЛДИ

**Фарғона вилоятининг Кува туманида янги зиё маскани — гимназия ташкил этилди. 200 дан зиёд ўғил-қиз ўқув даргоҳининг илк қалдирғочлари бўлишади. Бу ерда болаларга кимё ва биология фанлари чуқур ўргатилади. Гимназияда «Ёш табиатшунослар» станцияси билан ҳамкорликда ташкил этилган тўгарак ўқувчилар билимини оширишга катта ёрдам беради. Тажриба станциясида фаолият кўрсатаётган олимлар болаларга деҳқончилик бўйича назарий ва амалий билимларни эгаллашларига устозлик қилишаётир.**

**Билим даргоҳининг очилиш маросимида вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Т. Курбонов, туман ҳокими М. Носиров ва бошқа фаоллар иштирок этишди.**

# ИНШОЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

(Боши 1-бетда).

ридаги Ш. Рашидов номли гимназиянинг 9-синф ўқувчиси Азиза Рейимбоева (ўқитувчиси Мукаррама Рўзиева)лар ёзган иншолар фахрли иккинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Урганчлик Пошшажон Бобожонова ўз иншосида хоразмлик шоира Гавҳаржон Ибодуллаеванинг шеъридан қуйидаги қайноқ сатрларни келтиради:

Минг йиллик оч эдим, нонимсан, Турон,
Кўздан минг йил оққан қонимсан, Турон,
Дўзахлар домига тортганларида
Худо қайтиб берган жонимсан, Турон.

Бу каби шеърий сатрлар битилган иншоларни ғурур ва завқ билан ўқийсан, киши.

Уч нафар ўқувчининг иншосига учинчи ўрин берилди. Булар Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги Огаҳий номли лицейнинг 11-синф ўқувчиси Насима Сотимова (ўқитувчиси Марямжон Султонова), Фарғона вилояти Фарғона туманидаги 1-лицейнинг 11-синф ўқувчиси Насима Мирзаева (ўқитувчиси Эшимов Турғунбой) ҳамда Наманган вилояти Косонсой туманидаги 28-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Муҳаббат Сатторова (ўқитувчиси Муҳаббат Зокирова)лардир.

Вазирлик тавсиясига асосан иншолар, таълим қайси тилда олиб борилишидан қатъи назар, барча мактабларда ўтказилди. Шунинг учун ҳам кўрик-танловда кўрсатилган 5 та рағбатлантирувчи мукофотнинг биттаси тожик тилида ёзилган иншога, иккинчиси эса қирғиз тилида ёзилган иншога берилди. Рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлган тожик тилидаги иншонинг муаллифи Фарғона вилояти Сўх туманидаги лицейнинг 11-синф ўқувчиси Беҳрўз Эрназаровдир. Кутилмаганда Беҳрўзни ўқитган, уни шундай юқори поғоналарга чиқишида жонкуярлик қилган устози халқ таълими аълочиси Сарвар ака Эрназаров унинг отаси бўлиб чиқди. Фарғона вилояти Фарғона туманидаги 25-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Жарқин Хожинованинг (ўқитувчиси Набихон Ахматова) қирғиз тилида ёзилган иншоси ҳам рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлди. «Туркистон деганда, — деб ёзади ўз иншосида Жарқиной, — бир томирдан тарқаган элларни тушунамиз. Бу эллар неча асрлардан буён ўзаро дўстлигини, қадр-қимматини ва биродарлигини мустаҳкам сақлаб келишмоқда».

Тошкент шаҳридаги 106-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Назокат Вакилова (ўқитувчиси Рихсихон Алимова), Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги 63-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Рисолат Бобоқулова (ўқитувчиси Момохол Элмуродова), Фарғона вилояти Риштон туманидаги 4-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Ййрахон Ҳасанова (ўқитувчиси Махпирали Хошимов) ёзган иншоларига ҳам рағбатлантирувчи мукофотлар берилди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, Назокатнинг ҳам, Рисолатнинг ҳам ва Ййрахоннинг ҳам иншолариа Ватан тарихига, Туркистон тарихига мурожаат, элимизнинг тарихдаги улуғ фарзандлари образларини ёритиш ҳақиқий, жонли амалга оширилган.

Вазирлик тадбирига асосан қишки таътил кунлари кўрик-танловнинг Республика босқичи ғолиблари ўз ўқитувчилари билан Тошкент шаҳрига таклиф қилиндилар. А. Навоий номли Республика «Нафис санъат» лицейида иншолар кўрик-танлови ғолибларини ва уларнинг ўқитувчиларини тақдирлаш тадбири ўтказилди. Ғолиблар «Иншоларда Ватан туйғуси» мавзуида давра суҳбатида қатнашдилар. Уларни Республика халқ таълими вазирининг биринчи муовини Й. С. Саиджонов, вазирлик умумий ўрта таълим бош бошқармаси бошлиғи Г. Я. Алимова, Улуғбек номли жамғарма раисининг муовини И. Латипов, «Истеъдод» маркази директори, профессор Б. Қодиров, «Нафис санъат» лицейи директори С. Султонов, «Тил ва адабиёт таълими» журнали муҳаррири Р. Толипова ва бошқалар қизғин қутладилар. Ғолиблар ва уларнинг ўқитувчиларига пул мукофотлари, фахрий ёрлиқлар, эсдалик совғалари топширилди.

Кези келганда бу катта тадбирда фаол иштирок этганларнию, турли баҳоналар билан ўзларини четга олганларни ҳам эслатиб ўтишга тўғри келади.

Иншолар танловининг бошланғич қисми Республикамизда пахта йиғим-терими даврига тўғри келганлигига қарамай, Фарғона, Хоразм, Андижон вилоятлари халқ таълими бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги бу ишга жиддий ёндашдилар, танловни ўз муддатларида, юқори ташкилий савияда ўтказдилар. Лекин Самарқанд ва Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармалари кўрик-танловга иншоларни ўз вақтида тавсия қилмадилар. Натижада бу вилоятлардан бирорта ҳам ўқувчининг иншоси Республика кўрик-танловида иштирок этмади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Республика Халқ таълими вазирлигининг тавсиясига биноан Республика ўқувчилар иншоси кўрик-танловида қатнашган энг яхши иншолар «Туркистон — умумий уйимиз» рукни остида махсус тўплам шаклида чоп этилади.

**Нурали ЖАЛИЛОВ,**
**Халқ таълими вазирлиги бош назоратчиси.**





**Пойтахтимиздаги 299-мактабда ўз касбининг фидойилари — тажрибали педагоглар кўп. Моҳир ўқитувчи Мавлуда Латипова шу сафда — жамоа ўртасида ҳурмат-эътиборга лойиқ, эъзозли. У кўп йиллирки, ўз ўқувчиларига инглиз тили фанидан сабоқ беришда иқтидорини тўла ишга солаяпти. Мавлудахон ҳар бир машғулотни замонавий ва чуқурлаштирилган усулда ўтишга алоҳида эътибор беради.**

**Меҳнат таълими ўқитувчиси Мавжуда опа Обидованинг шу даргоҳда фаолият кўрсатаётганига 23 йилдан ошди. Ноёб ҳунар соҳибаси, малакали педагог йиллар силсиласи давомида кўплаб ўқувчи қизларга бичиш-тикиш сирларини ўргатиб келади.**

**СУРАТЛАРДА: 1. И. М. Обидова ўз ўқувчилари ишини кўздан кечирмоқда. 2. Инглиз тили ўқитувчиси М. Латипова дарсни ана шундай жонли ва кўргазмали ўтишни хуш кўради.**

**Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.**

*Иш билганга эл эргашар*

# ЯЙПАННИНГ КЎРКИГА АЙЛАНГАН МАКТАБ

Мен Сотволди ака Пайғамов билан бундан роса уч йил муқаддам Яйпан шаҳрида танишган ва турли мавзуларда узоқ суҳбатлашгандим. Қарангки, домла билим салоҳияти кенг, тажрибали, талабчан эканлар. Кейинги учрашувларимдан сўнг у кишининг кўпни кўрганлигини аниқ-тиниқ билиб олдим.

Гапнинг индаллоси Сотволди Пайғамов аввал ўн йил ўқитувчилик қилди. Кейин уни Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги 9-мактабга директор этиб тайинлашди. 15 йил узлуксиз ишлади. Бу орада мактаб илғорлар қаторига қўшилди. Ўқув даргоҳига, аввало, артезиан суви келтирилди, катта боғ яратилди. Қўшимча тўртта бино қурилди. Муҳими, ўқув-тарбия ишлари қисқа вақтда, режа асосида юқори савияга кўтарилди.

Домлани Яйпан шаҳридаги Ҳамза номли 24-мактабга директорлик лавозимига таклиф қилганларида у киши нафақа ёшига етиб қолганди. Энди бундан бу ёғига уй юмушлари, неваралар тарбияси билан шуғулланиб, том орқасида куймаланиб юрса бўларди. Аммо саломатлиги мустаҳкам, меҳнат шижоати қайнаб турган одам уйда узоқ ўтиролмайди. Бироқ тоши оғир жойдан бирданига узилиб кетиш мушкул бўлар экан.

Баъзи бир кишилар домланинг жиғига тегишди. «Агар Пайғамов ҳақиқатан мард бўлса, шу мактабни оёққа кўтариб берсин», дея йиғилишларда баралла айтаверишди. Бу гап Сотволди аканинг ҳамиятига тегди. «Уддалаганим бўлсин!» — дея ўз-ўзига сўз берди.

Мактаб, аввалдан таъриф берганларидек, аллақачон «ўтириб» қолган экан. Бинонинг оҳори кетибди. Иситиш тизими ишдан чиқаёзибди. Ўқув-тарбия ишлари яхши эмас, жамоада ўзибўларчилик ҳукм сурарди.

Жамоа домлани хушламайгина кутиб олди. Чунки у киши жиддий ва ўта талабчан эди. Ўқитувчилар қачондир бу ерда инқилоб юз беришини олдиндан сезган эдилар. Ўзи бузилган муҳит бошида яна бир лойқаланиб олди. Чунки Сотволди ака биринчи кунданоқ мактабдаги интизомсизликка чек қўйди. Тартиббузар ўқувчилар рўйхатга олинди. Баъзи ўқитувчилар янги қонун-қоидалар билан муроса қилолмай, ўзлари ишдан бўшаб кетди. Яна шунга ўхшаш баъзи бир нохушликлар бўлди. Аммо Пайғамов домла тушкунликка тушмади. Ҳаётдаги асл тамойили — бошқалар тили билан айтганда, «диктаторлиги», яъни қатъий интизом ва ижодий меҳнат асосида иш юритаверди. Бўшаб қолган ўринларга кучли ўқитувчиларни таклиф этди. Шундай қилиб, қисқа вақтда соф маънавий муҳит яратилди.

Сотволди ака энди режанинг иккинчи бўлимига ўтди. Яъни, ўқув-тарбиявий ишларни яхшилашга киришди. Дарс таҳлили, методик ёрдам кучайтирилди. Ўқувчи ва ўқитувчи ўртасида ўзаро ҳурмат муносабатлари мустаҳкамланди. Янги дарс услублари, турлари кенг миқёсда ўзлаштирилди.

Жамоа энди Пайғамовни тушуниб етди, ҳурмат қиладиган бўлди. Ўзларининг оталаридек яхши кўриб қолди. Чунки у кишида талабчанлик билан бир қаторда эл қатори туриб ишлаш, оғир пайтларда ёрдам кўрсатиш, одамларни қалбдан тушуниш, меҳрибонлик фазилатлари бор эди.

Мактабда машғулотлар ҳар куни эрталабки қисқа йиғилишдан бошланадиган бўлди. Дарсга тўлиқ қатнашмайдиган ўқувчиларнинг ота-оналари чақирилди. Бу ҳол тарбиявий ишлар ўз изига тушиб олгунча узлуксиз давом этди.

Эндиги навбат мактаб биносини яхшилаш, жиҳозлаш, чор атрофни ободонлаштириш, даромад ишлаб топиш, шу мақсадда умумий ҳамкорликни кучайтиришга келган эди. Бу борада Пайғамовнинг ҳурмат-эътибори қўл келди. Чунки ҳамма жойда унинг шогирдлари, собиқ ўқувчилари ишлашади-да. Оталиқ ташкилоти — хўжалик ҳисобидаги қурилиш-таъмирлаш корхонаси биринчи бўлиб ёрдам қўлини чўзди. Ўқув йили давомида бинода жорий ва капитал, чакана таъмирлар ўтказилди, иситиш тизими янгиланди. Натижада мактаб жамоаси янги ўқув йилини беш йилгача таъмирсиз кутиб олиш ташаббуси билан чиқди...

Юқорида санаб ўтилган ишларни, албатта, Пайғамов бир ўзи бажаргани йўқ. Ҳолбуки, «Бирлашса чумоли иттифоқ бўлиб, арслон терисини олажак шилиб» деган нақл бежиз айтилмаган. У Абдурасул Раҳимов, Маърифат Ўринова, Гулнора Абдуллаев, Манзура Қосимова каби кучли муаллимларни ўз атрофига тўплади. Улар билан кўп ишлар юзасидан маслаҳатли иш тутди. Натижада мактабда бошқариш ишлари янада кучайди.

Ўқувчиларни янгича баҳолаш мезони ишлаб чиқилди. Яъни мактаб дастури асосида «сочма» савол-жавоблар билан баҳолаш бошланди. Натижада қўйиладиган баҳонинг бали камайиб, қадри ошди. Ўқув машғулотларида эркин фикрлаш, таҳлил, баҳс-мунозараларга кенг ўрин берилди.

Фанлар бўйича методик бирлашмаларнинг иши жонлантирилди. Кўргазмали қуроллар, техника воситаларидан фойдаланиш бир йўналишга солинди. Энди ўқувчилар билими компьютерда, тест услуби асосида синаб кўриладиган бўлди. Методик маърузалар эса мактаб ўқув ҳаётидан олиб тузилди. Болаларнинг, муаллимларнинг дарсдан олган озуқаси даражаланди. Бу борадаги ишлар умумлаштирилди.

Сотволди ака ишни аввал авторитетал услубда бошлаган эди. Умуман, шароит шуни тақозо қиларди. Ишлар жойига тушгандан кейин бошқаришнинг демократик услубига ўтилди. Ҳужжатлар намунали даражада тартибга келтирилди. Ўқувчилар ўз-ўзини назорат қила бошладилар. Уларнинг ўзлари ташаббус билан чиқиб, мактабда тарих ва ўлкашунослик музейини ташкил этишди. Масъулият кучайди. Шунингдек, баҳолар ойнаси чиқарилди. Бу — болалар ўртасида билимга қизиқишни оширди.

Ҳозир мактабга борсангиз, баҳри дилингиз очилади. Чор-атроф дов-дарахтга бурканган. Фойдаланилмаган шапалоқдек ҳам жой йўқ. Ўтган йилларда етилган тераклар сотилиб, кўп миқдорда даромад олинди. Ерлардан олинган мевалар ҳам бозорга чиқарилди. Бўшаб қолган майдонга икки миллион туп терак қаламчаси, 1,5 минг туп памидор экилди. Мактаб устахонасида эса ўқувчи кийимлари тикиляпти. Яна шуни айтиш керакки, зиё маскани жамоаси қўшимча бир гектар ер олиб, у ерда буғдой етиштирди. Бу ердан бир йилда 35 минг сўм даромад олиш кўзда тутилган. Махсус жиҳозланган хоналарда эса ўқувчилар аҳолига нотариус ва циркуляр хизмат кўрсатишяпти. Шу алфозда даромадга буромад инаяпти.

Сотволди Пайғамов ҳозир 62 ёшда. Лекин ҳали у дадил. Мактабни туманда биринчи қаторга олиб чиқиб, муборак ниятига эришди. Энди бу ўқув даргоҳи вилоят ва республика миқёсида илғор мактаблар билан беллашяпти.

Сотволди ака узоқ меҳнати эвазига мактабда янги дастур ишлаб чиқди. Дастурга асосан ўқув фанлари ўрганилиши чуқурлаштирилди. Унда ўқувчи ижодий дарс ўтади, ўқитувчи эса бу машғулотни якунлайди.

Биз биламизки, кўп жойларда боланинг билими бошқаларининг билимига нисбатан баҳоланади. Пайғамов дастури бўйича эса махсус тузилган баҳо меъёрига нисбатан қиёсланади. Шунингдек, таълим ва тарбия омухта қилиб олиб борилади. Бунда тарбия олдинги ўринга қўйилади.

Ҳа, шунақа гаплар, ютуқлар кўп. Ишонинг ва бориб кўринг, Яйпанда ана шундай мактаб бор. Унга пайғамбар ёшини қоралаётган отахон муаллим Сотволди Пайғамов директорлик қилади.

**Аваз ҲАЙДАРОВ,**
**ўз мухбиримиз.**

*Ислоҳот одимлари*

# ИБРАТЛИ ТАДБИРЛАР

Савобли ишлар ҳамиша инсонлар кўнглини кўтаришга, кайфиятини яхшилашга хизмат қилади. Ана шундай ишлардан бири Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги Туябоши қишлоғида жойлашган А. Қаҳҳор номли 65-ўрта мактабнинг қурилиб битганлиги бўлди. Мазкур ўқув йилидан ўқувчилар янги бинонинг ёруғ хоналарида билим олишяпти. Улар Мамажон Аҳмедов, Луқмон Бадалов, Акромбой Воҳидов, Сайдали Мирзаев, Шамсиддин Саидов, Асадулло Шомансуров, Мавжуда Умарова каби устозлардан илм-фан сирларини пухта эгаллашмоқда.

Хушвақт Асомов директорлик қилаётган бу мактабнинг жамоаси билим масканида вақти-вақти билан «Алла», «Иқтидор», «Энг яхши синф раҳбари», «Тадбиркор ўқитувчи», «Йил ўқувчиси» каби қизиқарли тадбирларни ўтказиб турибди.

Яна бир хайрли иш. Мазкур ўқув йилидан бошлаб тумандаги «Нурбек» фермер хўжалиги ва «Чинор» жамоа корхонаси раҳбарлари Мавлон Каримов ва Ғулом Асомовлар мактабнинг ўқишда ўрнак кўрсатаётган аълочиларига стипендия беришни йўлга қўйдилар. Бу эса ўз навбатида ўқувчиларнинг билимга қизиқишларини янада ошириши табиий. Мактаб ҳудудида ўқувчи ва ўқитувчиларга маиший хизмат кўрсатиш тариқасида сартарошхона, пойабзал таъмирлаш устахонаси, савдо дўкони, суратхона ва тикиш-бичиш цехи ҳам ишлаб турибди.

**Нўъмон МЕЙЛИКОВ,**
**талаба.**

*Меҳрибонлик уйларида*

# ДАВЛАТ БОЛАЛАРИ

Бу ерга кирганимда ҳайратга тушдим. Болалар худди катта кишиларни кичрайтириб қўйгандек туюлди менга. Гўдакларга хос эркалик, шўхлик, инжиқлик ва қувноқликларни кўрмадим бу ерда. Меҳмонга бориш, меҳмон кутиш, рамазон ва ўланлар, чўпчак айтиш ёки эшитишни билишмасди улар. Бувилар, боболар бағрида эркаланиш улар учун бегона. От-эшаклар миниб далага ўт ёки ўтинга боришмайди, томорқа суғориш, ҳовлилардаги экинларга қараш, кўча чангитиб ўз ҳолларича қандайдир ўйин ўйнашмайди. Қўллари куйиб кулча нон ушлаш, аммахолаларининкига бориб кўнгил ёзиш... Буларнинг барча-барчаси улар учун бегона. Мазкур гўшада тўкин-сочинлик, ҳамма нарса бисёр: гўшт, ёғ, кўкатлар, мевалар, гуллар... фақат ота-она меҳри ва болаларга хос шодлик йўқ.

Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳридаги 34-меҳрибонлик уйида бўлганимда бир фикр миямни пармалади: она-бола қумрининг қуйруғи, бир-биридан ажраса, кўрки кетади.

### НОРАСИДАЛАР НИЯТИ ПОКУ ХОЛИС

— Қуйи Чирчиқ туманининг Солдатский қўрғонидан келдим, — дея сўз бошлади З. Кутирева уч ёшли боласини меҳрибонлик уйида қолдирар экан. — Қийналиб кетдим. Ўзим ҳали ёшман, турмушга чиқишимга шу бола тусқинлик қиляпти.

— Эрингиз ташлаб кетганми, ё... — сўрайман ундан.

— Эрга чиқмаганман, никоҳсиз туғилган бу бола.

— Ишлайсизми?

— Ҳа, пахта пунктида, лекин маоши жуда кам.

— Қушлар кўкраги бўлмаса ҳам бир неча боласини боқадику, ахир сиз — онасиз, ёлғиз ўғилни боқолмасангиз...

Бундай воқеалар меҳрибонлик уйида тез-тез содир бўлиб турар экан. Ҳозир мазкур масканда тарбияланаётган ўн олти боланинг ота-онаси йўқ, 19 гўдакни эса ота-онаси кўчага ташлаб кетган еридан олиб келишган, 42 тарбияланувчининг ота-оналари маиший бузуқ, жиноий ишлар билан мунтазам шуғулланганлиги, ичкиликбозлиги туфайли оталик ва оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган, 16 бола ўз ота-онасидан воз кечган, қолганлари турмуши ночор оилалардан. Бироқ бағри кенг тарбиячилар буларни ўз болаларидай севадилар, оқ ювиб, оқ тарайдилар.

Наргиза ва Дониёр Бектўраевларни Бўка туманидан олиб келишган. Улар бу йил тўртинчи синфни тамомлашди.

— Ота-онамни жуда соғиндим, — дейди Дониёр. — Икки йилдан бери келишмайди. Кўпинча уларни тушимда кўраман. Яқинда уйимизга хат ҳам ёздим. Лекин жавоб келмади...

Бу гапларни эшитиб турган Наргиза ҳўнграб йиғлаб юборди. Боланинг кўз ёшини кўришдан ҳам оғир азоб борми дунёда. Ахир, умр жуда қисқа, болалик эса ундан ҳам. Инсон дунёда икки нарсага: меҳр ва висолга тўймайди. Ҳаёт эса фақат ширин орзулардангина иборат эмас. Дониёр ва Наргизага ўхшаганларни меҳр, соғинч илинжи «йиқитиб» қўйиши ҳам мумкин. Мен болаларини мазкур даргоҳга ташлаб кетган аёл ва эркаклар билан гаплашдим. Кўпчилигининг оила қўрғонига зил кетган. Демак, оила қўрғонини мустаҳкам тута олмаган кишилар фарзандларига ҳам бағритош бўлишаркан-да. Бу ердаги болалар эса келажакка умид билан яшашмоқда. Зеро умид — дунёнинг пойдевори бўлганидек, гўдакларнинг ниятлари ҳам поку холис...

### «ОДАМНИНГ ЧИҚИТИ БЎЛМАЙДИ»

Меҳрибонлик уйида 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган 150 дан ортиқ бола тарбияланади. Мазкур масканнинг моҳир, болажон тарбиячилари Гулнорахон Мадаминова, Вера Сайдалиева, Светлана Дейч, Светлана Федотова, Надежда Душакова ва бошқалар ўзларининг меҳр қўри, юрак қони билан болаларни ўкситмай тарбиялашмоқда. Бу ердаги болалар тарбияланиш билан чекланибгина қолмай, 9-синфгача билим ҳам оладилар. Жумладан, ўндан ортиқ намунали жиҳозланган фан кабинетлари, ўқув заллари, тўгараклар учун махсус хоналар, тил ўрганиш кабинетлари, лабораториялар, шинам ва озода ётоқхоналар мавжуд. Тўрт маҳал иссиқ овқат берилади. Кийим-бошлар давлат ҳисобидан ҳар мавсумда янгилари билан алмаштириб турилади.

Яқинда меҳрибонлик уйининг ўттиз йиллик тўйи кенг нишонланди. Байрам тантанасида Ўзбекистон халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев иштирок этиб, давлат болаларини қутлади. Янги йил ва Наврўз байрамларида болаларга Республика Президенти Ислом Каримовнинг совғалари улашилди. Кейинги уч йил ичида йигирмага яқин боланинг суннат тўйи ўтказилди.

Бундай тадбирларнинг ташаббускори янги директоримиз Абдуҳамид Қаюмовдир, — дейди тарбиячи-ўқитувчи Зинаида Ивановна Фисенко.— Абдуҳамиджон келиши билан меҳрибонлик уйида ҳамма нарса ўзгарди, айниқса, муаллимлар ўртасида соғлом муҳит вужудга келди...

Эшитишимча, кейинги тўрт йил ичида беш марта директор ўзгарган экан. Илгариги раҳбарларнинг лоқайдлиги оқибатида меҳрибонлик уйида тарбияга анчагина заха етган кўринади. Болалар кечалари чойшабларни бир-бирига боғлаб тўртинчи қаватдан тушишар, кечаси билан қаерлардадир дайдишар, кўпинча ўғирлик ва йўлтўсарлик билан шуғулланишар экан. Раҳбарларнинг аксарияти болалар ҳақига хиёнат қилишар, ҳатто уларни тинчитиш учун норасидаларга сигарета, бошқа гиёҳлар келтириб беришаркан. Оқибатда беш норасида қамоқ жазосига ҳукм қилинган, бир неча бола тегишли жойларга юборилган.

— Бу ерга мени 1992 йилда тайинлашди, — деб сўз бошлади директор Абдуҳамид Қаюмов. — Келганимда бино подвалини сув босган, иситиш ва ёритиш тармоқлари ишдан чиққан, хоҳлаган ходим ишга келади, хоҳламаган йўқ. Аввало, ишни жамоада соғлом муҳим яратишдан бошладик. Қолганлари ўз-ўзидан юришиб кетди. Бугунги кунда меҳрибонлик уйимиз республика ва вилоят миқёсида ўтказилган талайгина мусобақаларнинг совриндори. Мазкур масканда меҳрибонлик уйлари тарбиячиларининг республика семинар-кенгаши ўтказилиб, фаолиятимиздаги яхши тажрибалар жумҳурият миқёсида оммалаштириладиган бўлди.

Дарҳақиқат, меҳрибонлик уйида бунёд этилаётган болалар боғчаси майдончаси, мажлислар зали, янги ошхона, тиббиёт хоналари каби бинокорлик ишларига Абдуҳамид Қаюмовнинг ўзи бош-қош бўлаётир.

Шунингдек, меҳрибонлик уйи атрофига 100 туп ёнғоқ, 50 туп ўрик ва олма, гилос, олхўри ва бошқа мевали дарахт кўчатлари, турфа гуллар экилиб, ҳаммаёқ чаманзор қилинибди. Янги иссиқхона ва кўкатлар етиштирадиган жойнинг қурилиши бошлаб юборилган. Ёз пайтларида эса болалар Ангрен шаҳри атрофларидаги болалар масканларида мазмунли дам олишаркан. Хуллас давлат ихтиёридаги норасидаларнинг ҳеч нарсадан камчилиги йўқ.

— Одамнинг чиқити бўлмайди, — дея гапини давом эттирди Абдуҳамид рўпарамизда турган норасиданинг бошини силаб. — Биласизми, шу гўдакни яқиндагина ташлаб кетишди. Носоғлом эмиш. Биз уни тиббий мутахассислар кўригидан ўтказдик. Ҳеч қандай касали йўқ. Фақат асаблари чарчаган.Даволадик, энди соппа-соғ. Ҳозир боғчага қатнаяпти. боғча ҳам ўзимизда. Ажаб эмас, бу бола улғайиб, камол топиб, эл олқишига сазовор бўлса.

### «СЕН МЕНИНГ ЎҒЛИМСАН, БОЛАКАЙ»

Шокир Раҳимов меҳрибонлик уйига келганида уч ёшда эди. Ҳозир 5-синфда ўқийди. Муомалада худди катталардай мулоҳаза қилади. Шокир билан ёлғиз қолиб гаплашдим.

— Дадамни танимайман, борлигини ҳам билмайман, — деди у кўзларига милт-милт ёш олиб. — Онам билан бир уйда ижарада яшардик. Фарёдларимни уй эгаси эшитмасин деб, онам мени боғнинг бир чеккасидаги ғариб бир кулбада туққан эканлар. Уч ёшга етганимда худо онамни ҳам кўп кўрди. Онам бу соҳир дунёдан кўз юмгач, мени шу ерга олиб келдилар. Яхши одамлар кўп экан. Шу ерда ақлимни танидим. Икки йил бўлди, гўшсойлик Қўшбой ака исмли киши мен билан Каримов Бахтиёр деган болани ўзларига ўғил қилиб олдилар. Ҳар шанба куни олиб кетадилар. Таътил пайтида ҳам у кишининг уйларида бўламиз. Тўққизинчи синфни битирганимдан кейин уйларига олиб кетадилар, уйлантираман, ўқитаман, деяптилар.

Қўшбой ака Мусурмоновни жуда яхши танийман. Болажон, одам-шаванда, сахий, меҳри дарё киши. Унинг ўндан ортиқ фарзандлари юрт ишлари билан банд. Қўшбой ака ҳар йили Наврўз байрамида меҳрибонлик уйида тўй қилиб беракан.

Мана бугун ҳам меҳрибонлик уйига Қўшбой ака Мусурмонов келиб қолдилар. Ўғиллари югуриб истиқболига чиқишди. Бахтиёр инжиқланиб, эркаланиб бўйнига осилди, йиғлади.

— Нега жилайсан, ўлим, жилама, ма, энанг сенга ул-бул бериб жиборди, олақол! Кел, Шокиржон сен ҳам ол, халтадагини эса ўртоқларинг билан бўлишиб женглар. — Болалар сумка ва оғиргина халтачани кўтариб ётоққа югуришди. Орқасидан қараб қолган Қўшбой аканинг ҳам кўнгли бузилиб, кўзларига ёш олди. — Жилама, сенлар менинг ўз улларимсизлар, болакайлар!

Қўшбой ака билан узоқ суҳбатлашмоқчи эдим. Афсуски, ўғиллари келиб, уни хоналарига олиб кетдилар.

— Икки йилдирки, Қўшбой ака шу икки норасидани ўзига ўғил қилиб олган. Бундай кишилар жуда кўп, — дейди Абдуҳамид.— ўтган йили оҳангаронлик Дилбар Тожиева деган аёл уч болани уйига олиб кетди. Уларни ўқитди, ҳозир улар йигит бўлиб қолишган. Бу ерга ҳар замонда совға-салом билан келиб туришади.

Ҳа, юртимизда бағри кенг одамлар жуда кўп. Шу боис бўлса керак, Ангреннинг нуфузли кишилари бу даргоҳга келиб, хайриялар уюштириб, моддий ёрдам берадилар. Ангрен шаҳридаги картон-қоғоз фабрикасининг директори Шавкат Осмонов бу даргоҳда тез-тез бўлиб туради. Ҳар байрам ва тантанали кунларда болалар учун хайриялар ўтказади, биноларнинг таъмирлаш ишларига астойдил ёрдам беради. Шунингдек, шаҳардаги «Ўзбекрезинатехника» ишлаб чиқариш бошқармаси (раҳбари Аброр Юсупов), Ангрен олтин саралаш фабрикаси (директори Владимир Алехин), 29-автокорхона (раҳбари А. Калиниченко), кулолчилик корхонаси (раҳбари А. Алиқулов) ва бошқаларининг ёрдами билан бу ердаги болаларнинг турмуш даражаси, иқтисоди ва маънавий ҳаёти тобора яхшиланиб бормоқда. Уларнинг ташаббуслари билан ўтган йилги ёзги таътил даврида барча болалар ўша ташкилотларнинг оромгоҳларида мазмунли дам олдилар. Корхоналар ҳатто дам олувчи болаларнинг озиқ-овқатларидан бохабар бўлиш билан бирга уларнинг дам олиш давридаги саёҳатлари учун ҳам транспортлар ажратдилар.

Кошки эди, шундай сахий, болажон одамлар кўпроқ бўлса!

***

Болалар уйидан чиқдим. Узоқ вақтгача Қўшбой аканинг болалари юзидаги қувонч, Дилбар Тожиеванинг болажонлиги, Ангрен шаҳар саноат корхоналари раҳбарларининг меҳрибонлиги, Абдуҳамид бошлиқ тарбиячиларнинг ҳар бир бола учун жон куйдириши кўз олдимдан кетмади. Ҳа, Ангрендаги давлат болалари бугун ишончли қўлларда тарбия ва билим олмоқдалар. Улар давримиз келажаги учун соғлом авлод бўлиб етишади, албатта.

**Мўмин ҚАЮМ,**
**Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси.**

